

WHAT DO WE KNOW ABOUT MILITARY AND PATRIOTIC EDUCATION?

Rukhsatov Asadulla Kuvondikovich,

Lecturer, Faculty of Military Education, Tashkent State Pedagogical University

q2907440@gmail.com tel. 994346211

Abstract:

"One of the most important conditions for the protection of the independence and territorial integrity of the Republic of Uzbekistan is the education of servicemen loyal to a highly professional, military and patriotic duty," said the President of the Republic of Uzbekistan in August 2018. There are many reasons why military and patriotic education is considered at the level of state duties. There is a saying, "He who does not feed his army feeds another army." Our ancestor Amir Temur said: "A strong army will be a strong state, an army of a strong state will be strong."

Keywords: Military and patriotic duty, military and patriotic education

ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ ТЎҒРИСИДА НИМАЛАРНИ БИЛАМИЗ?

Рухсатов Асадулла Қувондиқович,

ТДПУ Ҳарбий таълим факультети ўқитувчиси,

q2907440@gmail.com тел. 994346211

“Юқори профессионал, ҳарбий ва ватанпарварлик бурчига садоқатли, фидойи ва мард ҳарбий хизматчиларни тарбиялаш Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади”-деб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 августда тасдиқланган ПҚ-3898 рақамли қарорида белгиланган. Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига давлат вазифалари даражасида қаралишининг сабаблари кўп. “Ўз армиясини боқмаган ўзга армияни боқади” деган ибора бор. Амир Темур бобомиз: “Лашкари бақувват давлат қудратли бўлур, қудратли давлатнинг лашкари бақувват бўлур” деганлар. Ватан ҳимояси унинг хавфсизлиги барча даврларда катта аҳамиятга эга бўлган. Бугунги кунда ҳам у ўз кучини йўқотмаган. Чунки, Ватан ҳимояси муқаддас бурч эклигини ҳаммамиз биламиз. Ўзбекистонимиз хавфсизлиги ва тинчлиги таъминланган тақдирдагина келажакда буюк ва қудратли давлат барпо этаоламиз. Тинчлиги барқарор бўлган давлатда инсонлар бахтли яшаши мумкин. Келажак тўғрисида орзу хаваслар қилади. Бизнинг миллий ғоямиз Ўзбекистон келажаги буюк давлат! -эмасмиди? Шу сабабли, Президентимиз Ш.М. Мирзиёев ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб: “Ёш авлодимизда қатъий ҳаётий позиция ва Ватанимиз тақдири учун юксак маъсулят туйғусини шакллантириш алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Шунинг ҳисобга олиб, мамлакатимизда ўрта мактабдан бошлаб олий ўқув юртларигача қамраб оладиган узлуксиз ҳарбий таълим ва ватанпарварлик тарбияси бўйича ўзига хос ноёб ва яхлит тизим яратилмоқда” деб кўрсатади.

Ёшларни ҳарбий - ватанпарварлик руҳида тарбиялаш- ёшларда Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини шакллантириш, уларни ўз фуқаролик бурчи ва конституцион мажбурятларини бажаришга, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга қодир шахслар этиб тарбиялашга қаратилган давлат ва нодавлат ташкилотлари, оила, маҳалла, таълим-тарбия институтларининг мақсадли, тизимли ва мувофиқлаштирилган фаолиятidir. (Ёшларни ҳарбий - ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўйича услубий қўлланма. Т.2018).

Ёшларда Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини шакллантириш борасидаги, ҳарбий - ватанпарварлик руҳида тарбияни амалга оширишиликнинг тўрт босқичи белгиланган бўлиб биринчи босқич 3-7 ёшдагилар, иккинчи босқич 7-16 ёшдаги болалар, учинчи босқич 16-18 ёшдаги ўсмирлар ва

тўртинчи босқич 18-30 ёшдагилардир. Умуман олганда, ёшларни ҳарбий - ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мазмун-моҳияти, мақсади ва вазифалари. Унинг тизими, йўналишлари ва босқичлари, шакл ва услублари, мансабдор шахсларнинг иш тизими ҳатто самарадорлиги ва кутилаётган натижалари ҳам белгиланган. Ҳаммаси оддий-дек, қўлланмани ўқигин ва унга амал қилган ҳолда бажаргин. Ҳаётда ҳам қўлланмада ёзилгандек ҳаммаси бир текс амалга ошганда яхши бўлар эди. Бироқ, унинг бажарилишига тусқинлик қилаётган омиллар мавжуд. Улардан бири ва асосийси ҳам тарбиячи шахс, инсон омилидир. Тарбия бераётган шахснинг ўзи тарбияли бўлиб дунёқараши кенг билимга эга, ҳаёт тажрибаси билан ўрناк бўладиган инсон бўлиш лозим. Кўп йиллик ҳарбий хизмат фаолиятим давомида ёшлар билан хизмат қилишимга тўғри келди. Аксарят тарбия бериши керак бўлган офицерларнинг кўпчилиги ўзимизнинг ҳарбий билим юртларида таҳсил олиб келганлар. Улардаги куч-ғайрат, шижоат, ўз мақсади сари интилиши таҳсинга сазовар. Ёш офицерлардаги ҳаётий тажрибанинг етишмаслиги ҳарбий жамоадаги ахлоқий рухий муҳитни бўзилишига олиб келади. Ҳаётий тажриба нималарда намоён бўлади? Билим юртида ёш офицер умумҳарбий низом талаблари билан бошқаришни ўрганади. Шахсий таркибдан қонун қоидаларни талаб қилади, аммо қўйилаётган талабларга ишонтиришни билмайди. Улар кўпчилик ҳолатларда буйсинувчиларини хизматга ишонтириш ўрнига купол муносабатда бўлишади. Бизга маълумки ҳарбий хизматчиларда юксак интизомни тарбиялашнинг асосий усули ишонтиришдир. (Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий низомлари).

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисидаги КОНЦЕПЦИЯ принциплари бўлиб **ватанпарварлик, садоқат, ҳалоллик, адолат ва интизом** ҳисобланади. КОНЦЕПЦИЯ принципларга ишонтириш билан ёшларга мақсадимизни аниқ тушунтириб беришимиз керак. Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг асосий вазифаларига ишонтириш орқали ёшларда Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини шакллантиришимиз мумкин. Ишонтириш- ёлғон каби тушунчалар билан амалга ошмаган. Ишонтириш- қалбимизда жойлашган меҳр ва ростгуйлик билан амалга оширилади. Чунки, меҳр билан дунё яратилган. Меҳр билан Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини ишонтиришни ўргатишимиз, келажакда ёшларни ватанпарвар бўлиб тарбияланишининг кафолатидир.

Ҳарбий хизмат бу Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг умумий ҳарбий мажбурятларни ва шартнома асосида Қуролли Кучларда ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ҳарбий тузилмаларида хизматни бажариш бўйича давлат хизматининг алоҳида туридир. (1. 9 –бет)

Ҳарбий хизматчи бу -давлат хавфсизлиги ва мудофаа соҳасидаги вазифаларни ҳал қилиш учун мўлжалланган ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ расмий вазифаларни бажарувчи шахс.

Ҳарбий деганда

Военнослужащий — лицо (человек), исполняющее должностные обязанности, связанные с прохождением военной службы, которая призвана решать задачи в сфере безопасности и обороны государства, и в связи с этим, обладающее специальным правовым статусом (при определенных условиях: davlat xavfsizligi va mudofaa sohasidagi vazifalarni hal qilish uchun mo'ljallangan harbiy xizmatni o'tash bilan bog'liq rasmiy vazifalarni bajaruvchi shaxs — shaxs) va shu munosabat bilan maxsus huquqiy maqomga ega davlat xavfsizligi va mudofaa sohasidagi vazifalarni hal qilish uchun mўlжалланган ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ расмий вазифаларни бажарувчи шахс — шахс) ва шу муносабат билан махсус ҳуқуқий мақомга эга